O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

## БЕДОР ЎЙ

*Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак.*

**Ислом КАРИМОВ**

МУСТАҚИЛЛИК 8 ЙИЛ ИЧИДА

## ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 83 КУН ҚОЛДИ!

✓ **1991 ЙИЛ 25 СЕНТЯБРЬ.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

✓ **1991 ЙИЛ 1 НОЯБРЬ.** Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топди.

✓ **1991 ЙИЛ 9 ДЕКАБРЬ.** Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан биргаликда Туркманистон ҳудудида Тажан-Сарахс оралиғидаги темир йўлнинг қурилишида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартномани имзолади.

✓ **1992 ЙИЛ 24 ЯНВАРЬ.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика байналмилал маданий маркази тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 9 июнь чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 113 (2151)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини халқимиз катта қизиқиш билан кутиб олганди. Куни кеча давлатимиз раҳбарининг "Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ва Маслаҳат кенгашининг таркиби эълон қилинди.***

Вазирлар Маҳкамасида Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори Ҳ.Кароматов олиб борди.

Йиғилишда Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари муҳокама этилди. Профессор-исломшунос Н.Комилов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов ва бошқалар сўзга чиқиб, ислом университети талабаларини Ватанимиз мустақиллигига садоқатли ва фидокор, бой маданий ва маънавий меросимизни чуқур ўрганган, замонавий технологиялар ва таълим услублари асосида дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равишда ўзлаштирган етук мутахассислар этиб тарбиялаш зарурлигини таъкидладилар. Бу борада жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларининг ва олий таълим муассасаларининг тажрибасини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда диний ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш асосида университет ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Шу мақсадда Маслаҳат кенгаши йўл-йўриқ ва тавсиялар ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур Маслаҳат кенгаши раиси А.Мансуров йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев қатнашди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида"ги Фармойишига биноан ташкил этилган Тошкент ислом университети Ҳомийлар кенгашининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ташқи ишлар вазири, мазкур кенгаш раиси А.Комилов олиб борди.

Ислом университетининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик билан алоқа боғлаш, унда дунёвий ва диний фанларнинг уйғунлигини таъминлаш асосида ўқув дастурларини мувофиқлаштириш учун ҳомийларни, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб этиш, хориждан соҳанинг етук мутахассисларини таклиф қилиш масаласи кўриб чиқилди. Ҳомийлик ишига республикамиздаги бир қанча вазирлик ва идоралар ўз ҳиссасини қўшаётгани таъкидланди. Бу борада "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Адлия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар академияси ва унинг Шарқшунослик институти ва бошқа ташкилотларнинг ишларни ташкиллаштиришга қўшадиган ҳиссаси ва вазифалари келишиб олинди. Бу борада барча таклифларни ўрганиб чиқиб, ягона дастур ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ислом университети ректори Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**

ТАЖРИБА

## РАҚОБАТ УЛАРНИ ТОБЛАМОҚДА

***Бозор иқтисодиётининг темир қонунлари автотранспорт тармоғи ходимларини ҳам тинимсиз изланишга, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг қулай, ҳар томонлама синалган йўлларини қидириб топишга даъват этмоқда.***

Қўқон шаҳридаги 10-автобус саройи ҳайдовчиларининг шахсий ва ижарадаги автотранспортчилар билан рақобат асосида, бас бойлашиб меҳнат қилаётганлари буни исботлаб турибди.

Шаҳарда йўловчиларни ташиш борасида ўзига хос тажриба тўпланган. Бир неча ишбилармонлар беш-олти йил аввал Германиядан кичик автобуслар сотиб олиб, шаҳар ва унга туташ қишлоқлар аҳолисига хизмат кўрсата бошлаган эди. Кейинчалик эса «Дилором» фирмаси «автотранспорт хизмати бозори»ни эгаллай бошлади.

Бундай пайтда 10-автобус саройи ходимлари сал бепарво бўлишса, «оғзидаги ошларини олдириб қўйишлари» ҳеч гап эмаслигини вақтида англаб етишди. Биринчи навбатда йўловчиларнинг талаб ва истаклари сўров асосида ўрганиб чиқилди, йўловчи оқимига кўп аҳамият берилди, энг муҳими, хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнат ва уруш фахрийлари, мактаб ўқувчилари, автотранспортда бепул юриш имтиёзига эга кишиларни хусусий ва ижарадаги автомобилчилар унчалик «хуш кўрмаслиги» сир эмас. Автосаройда эса имтиёзлиларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга ҳаракат қилинди. Масалан, агар 1997 йилда 20 миллион 634 минг йўловчининг 8 миллион 254 мингтасига бепул хизмат кўрсатилган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич 40 фоиз ортди. Жорий йилда фахрийлар, ногиронлар, кўзи ожизлар, мактаб ўқувчилари олийҳиммат ҳайдовчилар хизматидан фойдаланибгина қолмай, уларнинг хушмуомаласи, ширин каломидан кўнгиллари тоғдай кўтарилмоқда.

— Биз автобус саройи ҳайдовчилари, хизматчилари, муҳандис-техник ходимларидан беҳад миннатдормиз, — дейди Ўктам Алимбобоев, Мурожон Олимов, Жалолхон Азимов, Набижон Қосимов сингари бир гуруҳ меҳнат ва уруш фахрийлари.

Корхона раҳбарияти «Ўзавтотранс» корпорацияси кўмагида эскириб қолган автобусларни Чехия, Жанубий Корея ҳамда Самарқанддаги «СамКочавто» қўшма корхонасида тайёрланаётган замонавий машиналар билан алмаштириш чораларини кўришмоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

**Ховос туманидаги Бобур номли ширкат хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Хўжалик миришкорлари токзор ва мевазорлардан мўл ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бобурликлар, шунингдек, жорий йилда 200 гектар тошлоқ майдонда ғалла ўстиришди. Холис ният рўёбга чиқди. Хўжалик ғаллакорлари 501 тонна сара дон тайёрлаб, бу борадаги давлат буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб бажаришди.**

**Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда. Бобурликлар дон ҳосилдорлигини 30 центнерга, ялпи хирмонни эса 600 тоннага етказишга аҳд қилишган.**

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Учқўрғон туманидаги "Учқўрғон" қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхонаси санацияга тушган даврда умумий қарзлар миқдори 56 миллион сўмга етиб қолганди. Корхонага ташқи бошқарувчи келгандан сўнг биринчи навбатда бизнес-режа тузилиб, сарф-харажатлар миқдори кескин камайтирилди, ортиқча штатлар қисқартирилди.

Энг асосийси, иш юритишнинг оилавий пудрат шаклига ўтилди. Бугунги кунда пахтачиликда 163 та, ғаллачиликда 72 та, бошқа соҳаларда 30 та оилавий пудратчи фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб ишлашда гап кўп экан. Меҳнат аҳли жорий йилни 15 миллион соф фойда билан якунлаш ниятида.

**СУРАТЛАРДА: ташқи бошқарувчи А. Сайдуллаев ва пудратчи Ғ. Эгамов; хўжалик пахтазорларида.**

**Турғун МАҲКАМОВ олган суратлар.**

ШУ СОНГА ХАБАР

## ҚАШҚАДАРЁНИНГ «КУМУШ ТОЛА»СИ

**1800 тонна «кумуш тола» хомашёсини тайёрлаш бу йил қашқадарёлик пиллакорларга осон кечмади. Эрта баҳордаги изғирин тут дарахтлари ривожига салбий таъсир қилди. Аммо пиллакорлар матонатли меҳнатлари, азалий тажрибалари билан табиат инжиқлигини енгдилар. Натижада вилоят бўйича ҳар қути қурт уруғидан 54 килограммдан сифатли пилла олиниб, қабул пунктларига топширилди.**

**Вилоятнинг чўнг хирмонига, айниқса, Касби, Қарши, Чироқчи, Китоб, Қамаши туманлари пиллакорлари катта ҳисса қўшдилар. Мазкур туманларда ҳар қути қурт уруғидан 70-80 килограммдан ҳосил олган пиллакорлар кўпчиликни ташкил этади.**

**Ҳали етиштирилган барча пилла йиғиштириб олингани йўқ. Шуни ҳисобга олиб, қашқадарёлик пиллакорлар яна 100 тонна хомашё топширишга қарор қилдилар.**

**Н. РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

## Дажжол сўзларига алданманг

***Она-бола анчагача сўзни нимадан бошлашни билмай, гоҳ бир-бирларига қарарди, гоҳ менга. Билсам, она ўғлининг, қиз эса акасининг бирор дарагини билиш ниятида келишган экан. «Илм олишга кетган» ўғлидан, мана, тўрт ой бўлибдики, дарак йўқ эмиш.***

— Биласизми, уйимизда ҳаловат йўқ, гангиб қолдик, кечаси билан юрагим ўйнаб чиқади, — она энтикиб-энтикиб гапирарди. — Шу десангиз, ану одамхўрлар Тожикистонда 18 нафар йигитни сўйгани ҳақидаги хабарни эшитганимиздан бери руҳий азобланамиз. Шайтон не кунларга солмаяпти, ўша боши танасидан жудо қилинганлар орасида менинг ҳам ўғлим бўлса-чи, деган хаёл миямга ўрнашиб қолди. Наҳотки, наҳотки, дейман тинмай, ё алҳазар, инсон деган ҳам шундай бўладими, тағин бу қўли қон ваҳшийлар ўзларини дин йўлидаги кимсалар деб ҳисоблайдилар.

Вой нодон болагинам-эй, бизларни не кунларга солдинг-а...

Она ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Бироз қўйиб бердик, майли, лаҳча чўғ бўлиб ёнаётган юрак бироз бўшасин, деб.

— Уззукун шу аҳволдалар, ҳаммамиз қийналиб кетдик, — деди қизи. — Илоё, йўлдан урганларни ер ютсин, жаҳаннамга тушсин. Ўшалар — кишилар бошига шунча ғамандуҳ ёғдирганлар.

Билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолганларнинг гуноҳларидан ўтилади, дедилар давлатимиз бошлиғи. Шу боис:

— Сабр қилинглар, ҳамманинг кўзи очилди, ажаб эмас, бошқалар қатори тавба қилиб қайтиб келса, — деб тинчлантирган бўлдик.

Тинчийдими она юраги, ахир бугунги кунда ўша фарзанди кимлар чангалига тушиб қолганлигини тасаввур этяпти, қандай қилиб хотиржам бўлиши мумкин?

Бундай оилалар юртимизда каммаслиги эндиликда сир эмас. Алдаш, ёлғон гаплар билан йўлдан уриш, қабиҳ ният йўлида улардан фойдаланиш, ҳушёр тортганларнинг эса бошини танасидан жудо қилиш — мана, ўша ақидапарастларнинг разил башараси. Улар ўзларини дин йўлига бағишлаган кимсалар, деб айтишни хуш кўришади. Мусулмончиликда алдов ҳаром, бирбирининг қонини тўкиш гуноҳи кабир эканлиги ҳар бир мўминга аён-ку?

«Одамларни чалғитиб ноҳақ йўлга бошловчи имомлар дажжолдан ҳам хавфлидир». Пайғамбаримиз айтган бу сўзлар нақадар валийлик эканлигини бугунги кун воқеалари яна бир бор тасдиқламоқда. Юртимизда 13 асрдан бери халқимиз ихлос билан амал қилиб келаётган диний эътиқодимизга раҳна солувчилар пайдо бўлиб қолдилар. Ҳатто масжидларимизда ҳам баъзан тарафкашликлар пайдо бўла бошлади. «Ҳизбут-таҳрир»-чилар, ваҳҳобийчилар бизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, руҳиятимизга бутунлай ёт, аслида бузғунчиликдан иборат бўлган қабиҳ ғояларни тиқиштиришга уринмоқдалар. Уларнинг мўлжали ҳали дунёқараши шаклланмаган, мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларни йўлдан уриш, ҳаммамиз учун муқаддас бўлмиш Қуръон ҳамда пайғамбаримиз Ҳадисларида кўзда тутилмаган, аслини олганда, экстремистик ғояларни тиқиштириш ва шу йўл билан бирлигимизга, жипслигимизга путур етказишдир.

Нима эмиш — бутун мусулмон давлатларини бирлаштириб халифалик тузишармиш. Турли юртлар, эллар ва элатларнинг хўжакўрсинга бирлашганини бошимиздан ўтказдик. Етмиш йилдан зиёдроқ вақт мобайнида катта оғанинг оғзига қараб, қуллуқ қилиш эвазига яшадик. Бир бор қафасдан чиққан қуш наҳотки ўз ихтиёри билан яна ўша қафасни орзу қилса? Ўзбекистон — ўзининг тенги йўқ бой тарихига эга. Бу юрт буюк алломалар юрти, ислом дунёсига не-не валийларни етказиб берган муқаддас замин. У ўзгалар насиҳатига, кўрсатмаларига асло муҳтож эмас.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг виждон эркинлиги эълон қилинди. Мусулмонлар учун ҳам шу пайтгача кўрилмаган кенг имкониятлар яратиб берилди. Минглаб масжидларда кишилар эмин-эркин намоз ўқишяпти. Қатор-қатор мадрасаларимизда ёшларимиз диний билим олишяпти. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз муборак Ҳаж сафарини амалга оширмоқдалар. Қани, айтинг, юртдошлар, яна нима керак бизларга? Юртимиз тинч, шаҳар ва қишлоқларимиз чиройи йил сайин очилиб бормоқда, дунё ҳамжамияти олдида давлатимиз обрў-эътибори кучаймоқда. Афтидан, буларнинг бари баъзи кимсаларга ёқмаяпти. Улар ғаразли ғояларини тиқиштиришга уринмоқдалар.

Тошкентда бўлиб ўтган 16 февраль воқеалари, унинг иштирокчилари устидан шу кунларда олиб борилаётган суд жараёнлари, Тожикистонда уя қуриб олган ватангадоларнинг хунрезликлари бу ақидапарастларнинг асл башарасини бутун афкор оммага яққол кўрсатди. Аслини олганда, уларда ҳеч қандай эътиқод йўқ, уларнинг тутган йўли мусулмончиликка бутунлай зиддир. Илинж битта — бойлик ва юқори мансаб. Шу йўлда ҳеч нарсадан, ҳатто юртдошлари қонини тўкишдан, улар ҳаётига зомин бўлишдан ҳам қайтмаяптилар, қандай қилиб уларни одам қаторига қўшиш мумкин? Мен уларни адоватчилар деб атаган бўлардим. Улар Тангри ғазабига дучор бўладиганлардир. Пайғамбаримизнинг муборак Ҳадисларида шундай дейилади: «Кимки ноҳақ адоват ва хусумат қилаётган кишиларга ёрдам берса, то у бу ишидан товба қилмагунча, Тангри ғазабида бўлади». Ўша четдан келган ғаразли ғояларни кишилар қулоғига қуяётганлар, бўлар-бўлмас, саводсизларча ёзилган варақаларни тарқатаётганлар юқоридаги Ҳадиснинг мағзини яхшилаб чақиб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Халқимизнинг бағри кенглигидан, юртимиздаги тинч, осуда ҳаётдан фойдаланиб, кимлардир инсоф доирасидан чиқиб кетмоқдалар. Ҳар нарсанинг ҳам чеки-чегараси бор ахир. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфти жанобларининг ақидапарастлар тўғрисида чиқарган фатволарини жуда ўринли деб биламан. Ҳақиқий мўминлар ақидапарастлар билан борди-келди қилмасинлар, уларни ўз сафларига қўшмасинлар. Чунки улар биз учун мутлақо бегона ва бутунлай ёт кишилардир. Шу нотўғри йўлга кириб, ўшалар кўрсатмасини кўр-кўрона бажараётган ёшларимиз пайғамбаримиз сўзларини эсласинлар: «Мусулмонларга бошлиқ бўлган киши ўз қўл остидагиларни алдаса, Оллоҳ таоло уни жаннатдан маҳрум қилғайдир».

Ақидапарастлар инсофдиёнатни оёқости қила бошладилар, биздаги андишанинг қадрига етмаётирлар. Жаҳолатга йўл қўймайлик, бирлигимизга путур етмасин, эркимиз, эътиқодимизни асрайлик, уларнинг макру ҳийлаларига учмайлик. Агар ўзимизни чин мўмин инсон деб ҳисобласак, ҳамма жойда ва ҳамиша қуйидаги Ҳадиси шарифдаги муқаддас сўзларга амал қилайлик: «Сизларнинг қай бирингиз бирор жиноят ёки гуноҳ иш қилаётган одамни кўрсангиз, уни, аввало, қўл билан қайтаринг. Бунга имкон бўлмаса, тил билан қайтаринг. Бунга ҳам қодир бўлмасангиз, дилингиздан нафратланиб туринг».

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

Суд залидан

## ҚИЛҒИЛИКНИ ҚИЛИБ, КЕЧИРИМ СЎРАЙДИЛАР-А...

Олий суд биносида йигирма икки шахс устидан бўлаётган суд жараёни яна давом этди. Хабарингиз бор, судланувчилар турли ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисининг биринчи ўринбосари А.Полвонзода раислигида ўтаётган ушбу суд мажлисида жабрланувчиларнинг яқинлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек, хорижий мамлакатлар элчихоналари ходимлари иштирок этмоқда.

Куни кеча кўрсатмалар берган аксарият судланувчилар илгари тадбиркорликнинг қайсидир соҳасида ишлаганлар. Кейин эса олинган кредит — корхонанинг фаолиятини ривожлантиришга ишлатиладиган маблағни ўзлаштирганлар. Сўнг жиноятларини яшириш учун ўзларини турли томонларга урадилар.

Судланувчи Қаҳрамон Ниёзметов ҳам ана шундай қонунсиз ҳаракатларни ўзига эп билди. Сохта тадбиркорлиги боис жавобгарликка тортилди. Қ. Ниёзметов «Февраль воқеалари»га дахлдор бўлганликда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан қидирилаётган Улуғбек Бобожонов ва Лазиз Қаюмовларни икки кун уйида яшириб сақлайди...

Козимбек Зокиров эса терговда берган кўргазмаларига тўлиқ иқрор бўлди. Андижонда фуқароларнинг тинчини бузиб, босқинчиликлар содир этганлигини, Ўзбекистондаги конституциявий тузумга тажовуз қилиш мақсадлари борлигини айтди. «Полвон» лақаби билан фаолият кўрсатган бу судланувчи бошқа давлатлардаги тажовузкор кучлар билан доимий алоқада бўлган. Хорижда жангарилар тайёрлашга юртдошларини жалб этган. Ўқ-дори, қурол-аслаҳалар таъминотини зиммасига олган. Шуни айтиш керакки, суд мажлисида судланувчилар ҳаммадан кечирим сўрашдан тоймадилар. Лекин қилғиликни қилиб, халқнинг, юртнинг кўксини яралаган ҳолда кечирим сўраса, уни ҳазм қилиб бўлармикан?

Судланувчилардан Ҳусанбой Зокиров, Ҳотамшер Назаров, Талъатбек Нуралиев, Ориф Алимовлар ҳам кўрсатма бердилар.

Суднинг 8 июнь кунги жараёнидан чиқаётиб, хаёлимдан шу фикрлар ўтди.

Инсон икки бойлиги ила мукаммалдир. Бири — унинг бошпанаси — Ватани, иккинчиси — виждони. Кимда-ким ватанини сотса, гадо бўлади. Уни ардоқласа, барака топади. Виждон ҳақидаям — шу фикр. Зеро, ватансизда виждон, виждонсизда ватан йўқ!

Суд жараёни бугун яна давом этади.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХИРМОНГА БАРАКА!

**Ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, тезроқ ўриб-йиғиб олайлик**

Республикамиз деҳқонлари бу йил 1 млн. 310 минг гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирдилар. Уни ўриб-йиғиб олиш мавсуми ҳам бошлаб юборилди.

Кўп йиллик илмий-амалий тажриба ғалла мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва якунлашда дон комбайнларини ўрим-йиғим отрядларига жамлаб ишлатиш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳар бир отряд таркибида дала ва йўлларни ишга тайёрлаш, ғаллани ўриб-йиғиб олиш, дон ташиш, сомон йиғиш-ташиш, ер ҳайдаш, техник хизмат кўрсатиш ва маиший-тиббий хизмат звенолари бўлиши мақбулдир.




Дала ва йўлларни ўримга тайёрлаш звеноси йўл ва кўприкларни тузатиш, дала четларидаги ўт-ўланларни ўриб, техника воситалари учун йўл очиш, ғаллазорни пайкалларга бўлиш, қайрилиш жойларини тайёрлаш, пайкал ораларини шудгорлаш каби юмушларни адо этади. Бунинг учун звено ихтиёрида ер текислагич ва автомашина, КПС-5Г, Е-301, Марал-125 сингари озуқа ўриш-йиғиш техникалари, "Кейс" комбайни, жатка осилган СК-5 комбайни, хедер ва сомон юклагичлар билан жиҳозланган СК-5 комбайни, 2ПТС-4-887А трактор тиркамаси,"Магнум" трактори бўлиши лозим.

Даланинг сифати агротехника талабларига жавоб берган тақдирдагина махсус далолатнома орқали ўрим-йиғимга рухсат берилади. Хўжалик агрономи ёки фермер, яъни буюртмачи билан отряд бошлиғи –МТП вакили томонидан имзоланадиган мазкур далолатномада пайкалнинг ҳажми, экилган ғалланинг нави, унинг чамаланган ҳосилдорлигини акс эттириши мақсадга мувофиқдир.

Ғалла ўрим-йиғими звеносининг механизаторлари иш бошлашдан олдин агрономлар билан биргаликда ғалланинг ҳолатини ўрганиб, ҳосилни йиғиштиришнинг мақбул усулларини танлайдилар.

Дони қуруқ ва бирдай пишган, ўт босмаган ва пояси тик турган далалардаги ғалла комбайнлар билан бирйўла ўриб-янчиб олинади. Майдони нисбатан кичик ҳамда ғўзапоялар орасида етиштирилган ғалла ҳосилини Россия комбайнлари ёрдамида, катта ва очиқ майдонлардаги юқори ҳосилли ғаллани «Кейс» комбайнлари ёрдамида йиғиб олиш яхши самара беради.

Ёмғир ва шамол таъсирида поялари энгашиб қолган ғаллани ўришда поя кўтаргичли ва паншахалар ўрнатилган эксцентрикли мотовилоси бўлган ЖБА-3,5А, ЖВБ-4,2 жаткаларидан фойдаланилса, дон кам тўкилади.

Дони нотекис пишган ва бошоқлардан осон тўкиладиган, поялари ётай деб қолган, қалин ўт босган далалардаги буғдойни ЖРС-5, ЖРК-5, Кейс-8210 ўрнатма ва тиркама жаткалар ёрдамида ўриб, ерга уюмлаб ташлаб кетиш тавсия этилади. Уюмлардаги дон пишиб етилиб, поялари қуриши биланоқ, Кейс-1015 ва ППТ-3А йиғиштиргичлар осилган комбайнларни ишга солиб, ғаллани янчиб олиш даркор.

Ўримни ўз вақтида бошлаш дон нобудгарчилигини камайтиришнинг асосий омилидир. Зеро, дони тўла пишган майдонларда ўрим 5 кунга кечикса ўртача 4 фоиз, 10 кунга кечикса 12 фоиз, 20 кунга кечикса 28 фоиз дон бошоқларидан ўзидан-ўзи ерга тўкилиб кетади. Бир квадрат метр майдонда биттагина бошоқнинг тушиши гектар ҳисобига 10-16 килограмм ғалланинг йўқолишига сабаб бўлиши тажрибадан яхши маълум.

Комбайнчилар, айниқса, бир даладаги ғалланинг ҳолати иккинчисиникидан анчагина фарқ қилишини доимо назарда тутишлари лозим. Агар хедер орқасидаги ярим квадрат метр майдончага 15 донадан ортиқ дон тўкилган ва ғарамлагич ичидан таваккалига олинган 10 та сомондаги бошоқларда биттадан ортиқ дон қолиб кетган бўлса, комбайн механизмлари даланинг ўзидаёқ қайтадан ростланиши зарур.

Ҳосили йиғиб олинган дала буюртмачига далолатнома орқали топширилади. Далолатномада дон тўкилиши, унинг шикастланиши ва ифлосланишини камайтириш эвазига юқори ҳосил йиғиб олишга эришган комбайнчилар номлари кўрсатилса, уларни рағбатлантириш масаласи осонлашади.

Комбайнларнинг унумдорлик даражаси кўп жиҳатдан дон ташиш звеносида иш қай даражада ташкил этилганига боғлиқдир. Чунки бункерлардаги дон дарҳол бўшатиб олинмаса, комбайнлар бекорга тўхтаб қолади. Дон ташиш учун ҳар бир «Кейс» комбайнига 4-5 тадан, оддий комбайнларга эса 2-3 тадан транспорт воситаларини бириктириб қўйиш, уларнинг бортларини дон тўкилмайдиган қилиб зичлаш талаб этилади. Ғалла ҳосилининг чўғига ҳамда дала ва хирмон орасидаги масофанинг узоқ-яқинлигига қараб, звенодаги транспорт воситалари сони ўзгариб туради.

Далада қолган сомонни дарҳол йиғиштириб олиш чораларини кўриш даркор. Сабаби, биринчидан, сомон чорва учун озуқа бўлса, иккинчи тарафдан, у ерда қолиб кетса, ҳайдовга халақит беради – плуг корпуслари орасига тиқилиб қолади.

«Кейс» комбайнлари марза шаклида ташлаб кетган сомонларни КИР-1,5Г, КПИ-2,4, КУФ-1,8 каби техникалар билан йиғиб, катта ҳажмли 2ПТС-4-793А ёки 2ПТС-4-887А тиркамаларига солишни, ПС-1,6, К-453 механизмлари бўлган тақдирда, уларни той-той шаклида зичлаб, кейин тиркамаларга ортишни маслаҳат берамиз. Шунда сомон ерда қолмайди, ташиганда нобуд бўлмайди. «Дон», «Енисей» комбайнларидан қолган тўп-тўп сомонлар ПГХ-0,5 ёрдамида транспортга юкланади.

Тракторлар сонини қисқартириш ва комбайнлар иш унумини ошириш учун сомон йиғиш-ташиш звеносини кенг қамровли катта йиғиштиргичлар ва ҳажми 70-80 куб метр бўлган тиркамалар билан бутлаш лозим.

Далалар сомондан бўшаши биланоқ, шудгорлашни пешмапеш ўтказиш зарур. Акс ҳолда поялар остида ҳимояланиб турган нам тез кўтарилиб кетади, шудгорлаш пайтида эса катта кесаклар кўчадики, уни кейинчалик майдалаш қийин кечади.

Ер ҳайдаш звеноси таркибида трактор ва плуглар, дискли борона, комбинациялашган агрегат каби ғалладан бўшаган майдонларни такрорий экинлар экишга тайёрловчи қишлоқ хўжалиги машиналари бўлса, ишда сифат бўлади.

Экишга тайёрланган ерлар ҳам далолатнома орқали топширилиб, қабул қилиб олинади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, далаларни тайёрлаш, ғалла ва сомонни йиғиш-ташиш, ерларни янгидан экишга тайёрлаш техникаларини мавсум давомида соз ҳолатда бўлишини таъминлаш техник хизмат кўрсатиш звеносининг асосий вазифасидир.

Бузилган комбайн ёки транспорт воситаларини даланинг ўзида тузатишни йўлга қўйиш керак. Шунда ўрим-йиғим бир маромда давом этади.

Кўчма автоустахонада комбайнларнинг пичоқ, бармоқ, тасма, занжир, подшипник, мой насоси каби тез ишдан чиқадиган деталь ва узеллари, эҳтиёт қисмлар заҳираси доимо туриши лозим. Электр ва газ пайвандлаш ишларининг сифати яхши электрод ва карбид, созлаш асбоб-ускуналарига боғлиқлиги чилангарларимизга сир эмас.

Ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш агрегатида дизель ёнилғиси, бензин, мотор, гидравлика ва трансмиссия мойлари билан бир қаторда двигателларни совутиш системаси учун зарур бўлган суюқликлар тўла идишлар ҳам бўлиши зарур.

Ўрим-йиғимда қатнашаётган комбайнчилар, механизаторлар, ҳайдовчилар, чилангарлар ва ишчиларнинг ўз вақтида овқатланишлари, дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш ҳам ғалла мавсумининг муваффақиятини белгилайдиган тадбирлардир. Маиший-тиббий хизмат кўрсатиш звеноси ходимлари шу мақсадда кўчма дала шийпони, ошхона, тиббиёт ва ювиниш шохобчаларини ташкил этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ғалла мавсумини намунали ўтказишда каттаю кичик масалалар бирдай аҳамиятга эга. Буни ҳар бир механизатор, агроном ёки хўжалик раҳбари тўла ҳис этиши лозим. Шундагина ризқу рўзимиз бўлган доннинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмасдан, барвақт йиғиштириб олишга эришамиз.

**М. ТОШБОЛТАЕВ,**
**«Ўзқишхўжтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси Янги техникалар ва технологияларни татбиқ этиш бошқармасининг бошлиғи, техника фанлари доктори.**
**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**шу бошқарманинг бўлим бошлиғи.**





## «ДИЛНОЗА»НИНГ НИЯТЛАРИ УШАЛМОҚДА

*Бозор иқтисодиёти одамларни тадбиркорликка ўргатди, дейишади. Бунга Истиқлол имконият яратганлиги ҳам рост гап. Билъакс, Паркент шаҳридаги «Дилноза» супермаркети аҳли эл орасида бунчалик шуҳрат топмаган бўларди. Улар туманда «Ташаббус-97» ва «Ташаббус-98» кўрик-танловида биринчиликни олди, вилоятда эса совриндор бўлди.*

*Нега?*

*Негаки, ҳозир бу ерда нон ва нон маҳсулотлари, лимонад ва қандолатчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳатто уларнинг тегирмонлари ҳам бор. Супермаркет раҳбари Шаҳло Эргашхўжаева (суратда ўнгда)нинг таъкидлашича, супермаркет жамоаси келажакда шоколад, турли конфетлар тайёрлаш ниятида. Шунингдек, улар сут ва гўштни қайта ишловчи цехлар ҳам барпо этишни режалаштирган.*

**Р. ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, олий ўқув юртлари ва бошқа идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи ўринбосари А. Ёқубов очди. У ўз маърузасида кун тартибидаги мавзунинг долзарблигини, назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Сўнгра қатор маърузалар тингланди. Йиғилганлар суҳбати ижтимоий-мафкуравий, маданий-ахлоқий, ҳуқуқий ва ташкилий тактик кураш масалалари, экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари бўйича давом эттирилди.

Анжуман қатнашчиларининг қизиқарли баҳслари нафақат қонунчиликка оид масалаларнинг, балки қонунни қўллашга доир ўз ечимини кутаётган қатор муаммоларнинг ҳам борлигини кўрсатди. Экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммоларини чуқур таҳлил қилиш орқали уларнинг олдини олиш ва илдизини йўқотиш йўлларини аниқлаш учун қўлланма ҳамда дастурларни, устувор технологияларни ишлаб чиқиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**Фарҳод УСМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САМАРҚАНДДА ЮНЕСКО КАФЕДРАСИ

***Ўзбекистондаги тарихий меъморлик марказларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш ва шаҳарсозлик муаммоларини ечиш мақсадида Самарқанд давлат меъморлик-қурилиш институтида ЮНЕСКО кафедрасини ташкил этишга қарор қилинди.***

ЮНЕСКОнинг Маданий дастури раҳбари Дуду Дьен, ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси котиби Алишер Икромов яқинда ўқув юртига ташриф буюриб, ана шу қувончли хабарни етказди ва янги кафедрага замонавий техника воситаларининг дастлабки туркумини топширди.

Бу хайрли тадбир аслида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 26-сессияси қарорига кўра, 1994 йилдан эътиборан ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда ташкил этила бошлаганди. Ташкилот Ижроия қўмитасининг 1998 йил Тошкентда ўтган 155-сессиясида эса республикамиз Президенти Ислом Каримов Самарқанд давлат меъморлик-қурилиш институтида ҳам тарихий марказларни асраш ва бошқариш кафедрасини очиш таклифини ўртага ташлади. Айни пайтда дунёнинг қадимий ўчоқларида бундай даргоҳлар ўттизтадан ошиб кетган. Уларнинг мақсади у ёки бу мамлакатнинг иқтисодиёт йўналишидаги олий таълим ва умуман, илм савиясини ривожланган давлатлар даражасига етказишга қаратилгандир.

Самарқандда очилаётган кафедрада асосан илмий-тадқиқотлар билан шуғулланувчи ходимлар ўқитилиб, маҳаллий ҳокимиятларга кўмаклашувчи мутахассислар тайёрланади. Дастлабки дастур 5 йилга мўлжалланган. Кафедрани ЮНЕСКО томонидан ўтказилажак танловда ғолиб чиққан хорижлик олим бошқаради. Кафедра аъзолари юксак замонавий техника ва ахборот воситаларидан фойдаланиш, халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Мақсад эса шаҳарнинг тарихий ҳудуди ва муҳитини сақлаш ҳамда ривожлантириш, кўҳна обидаларни муҳофаза қилиш, жинкўчалар, ҳунармандлик расталари, бозорлар мажмуини барпо этиш учун шарт-шароит ва имконият яратишдан иборат. Шунингдек, тарихий обидаларнинг "умрини узайтириш" билан бир қаторда, сайёҳликни ривожлантириш юзасидан ҳам янги ғоя, таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ислоҳот қирралари*

## ҲОКИМ ИМТИҲОН ОЛДИ

Қизириқ тумани ҳокими Йўлдош Шойматов — сув хўжалиги мутахассиси. Қизиққан соҳаси тарих ва адабиёт. Шу фанлар бўйича ўқитувчи бўлолмаганини ҳали-ҳали унутолмайди.

Тумандаги "Гиламбоп" жамоа хўжалиги раиси ғалла ўрими олдидан комбайнларимизга қараб беринг, деб семинарга таклиф қилувди. Ҳоким, комбайндан ҳам зарил ишим бор, деб боролмаслигини билдирди. Ҳокимнинг ғаллаю пахтадан ҳам бўлак нима зарил иши бўлар экан дегувчилар қизиқиб суриштирсаларки, Шойматов ўша куни тумандаги жами тарих муаллимларини 1-мактабга таклиф қилиб, ўша мактабнинг ўқувчиларини тарихдан имтиҳон қилган экан.

Қизириқда 44 та умумтаълим мактаби бор. 8 таси компьютер билан жиҳозланган. Лекин бор компьютерлар билан ишлаш, айниқса, ўқувчиларни компьютерга ўргатиш мақтагулик эмас.

Ҳоким ўқувчидан имтиҳон олишда компьютерни ишга қўшди. Ўқувчини тест саволларига тайёрлашда ҳозир қисман бир ёқламаликка йўл қўйилмоқда. Масалан, фалон билетнинг фалон рақамидаги жавоби — тўғри жавоб, деб ўқитилади. Натижада ўқувчи тўғри жавоб топиш учун китоб ўқиш ўрнига билетнинг рақамини ва тўғри жавоб рақамини ёдлаб олиш билан овора бўлиб қолиши мумкин.

Компьютер эса тест ахборотномасининг рақамларини алмаштириб туради. Бу ўқувчидан тўғри жавоб топишга ижодий ёндашувни, китоб ўқишни тақозо қилади.

Ҳокимнинг имтиҳони шу жиҳати билан ўқувчиларда ва ҳатто ўқитувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Яна бир бошқа мактабда ҳоким шу мактабнинг адабиёт ўқитувчиларидан ижоди дарсликка киритилган шоирларимиздан бирининг шеърларидан парчалар (ёддан) ўқиб беришларини сўради. Аксига олиб, ўқитувчилар мум тишлаб қолсалар бўладими? Ҳоким бир қистовга олиб гапирдики, бундай танбеҳни ғаллаю пахта режасини бажаролмай қовун тушириб қўйган раислар ҳам эшитиб кўрмаган эди.

Бу гапларни эшитиб, туман ҳокимлигининг ходимлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари ўз фарзандлари ўқиётган мактабларга ҳеч бўлмаганда йўл-йўлакай кириб ўтишни одат қилмоқдалар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Телекоммуникация*

# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

**Бухоро вилояти давлат электр алоқа-ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Ўроқ ТЎХТАЕВ билан суҳбат**

**— Ўроқ Ғаниевич, Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 1 августда «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури тўғрисида» 307-сонли қарор қабул қилганидан хабардорсиз. Ушбу ҳужжатга кўра, ана шу муддат ичида давлат бошқарув органлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар ва аҳолининг алоқа хизматига бўлган талаби тўлиқ қондирилиши лозим. Бу борада сиз бош муҳандис бўлган корхона жамоаси қандай тадбирларни амалга оширмоқда?**

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ҳукумат қарори асосида Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан ҳам тегишли дастур ишлаб чиқилган. Бу дастурда 2010 йилга қадар шаҳар телефон тармоғидаги АТСларнинг қувватини 200 минг нуқтага, қишлоқ телефон станцияларининг қувватини 100 минг нуқтагача етказиш кўзда тутилган. Шунда барча абонентларнинг сони шаҳарда 180065, қишлоқ жойларида 80 мингтани ташкил этади. Бошқача айтганда, ҳар 100 кишига тўғри келадиган телефонлар сони шаҳарда 33,2 та, қишлоқда эса 6,21 тага етади.

Дастурда шаҳарлараро ва халқаро алоқа тизимларига чиқиш каналларининг умумий сонини ҳам кўпайтириш мўлжалланган. Улар 7506 тага етказилиб, барча қурилмалар замонавий рақамли техника ва технологиялар билан жиҳозланади. Шунингдек, Бухоро шаҳрида шаҳарлараро ва халқаро алоқа телефон станцияси қурилиб, ишга туширилади. Бу ўз навбатида бундай алоқага чиқиш алмашувларини автоматлаштириш жараёнининг 90 фоизга етишини таъминлайди.

Ана шу кенг қамровли ва кенг миқёсли вазифаларни амалга оширишга аллақачон киришганмиз. Дастлабки натижалар ҳам кўзга ташланиб қолди. Хусусан, 1996 йилдаёқ ўзаро ҳамкорлик қилиш, хориж инвестициясини жалб этиш мақсадида Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан шартнома тузилган эди. 9367,8 миллион АҚШ доллари қийматидаги бу шартнома асосида Бухородаги эски станциялар замонавийларга алмаштирилди. Шаҳардаги мавжуд станцияларни бир-бири билан боғловчи эски кабеллар ўрнига эса фан-техниканинг сўнгги ютуғи ҳисобланган шиша толали кабеллар ётқизилди.

1997 йилда Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармасидан катта миқдорда кредит олдик. Ўтган икки йил мобайнида вилоятда шу маблағ ҳисобига 65000 рақамга мўлжалланган 18 та маҳаллий автомат телефон станцияси ва кўп каналли шаҳарлараро автомат телефон станцияси бунёд этилди. Туманларни вилоят маркази билан боғловчи эски алоқа линиялари эса 200 километр узунликдаги янги шиша толали кабель линиялари билан алмаштирилди.

**— Янги қурилмаларнинг ишга туширилиши қай даражада самара бермоқда?**

— Бу биринчи галда вилоят телекоммуникация тармоғининг 100 фоиз ягона рақамли алоқа тизимига ўтиши имконини берди. Натижада бугунги кунда аҳолига жаҳон андозалари даражасида алоқа хизмати кўрсатилмоқда.

Гап шундаки, тармоқда 7 рақамдан иборат уланиш усули жорий этилган бўлиб, вилоятнинг исталган ҳудудида яшовчи абонентлар қўшимча «код» термасдан, у орқали бир-бирларига телефон қилишлари мумкин. Масалан, Жондор туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги автомат телефон станциясининг 5827333 рақамли абоненти Қоракўл туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг АТС абонентига 56381ХХ тартибида уланади-да, бемалол ўзаро гаплашаверади.

**— Рақамли телефон станциялари қайси жиҳатлари билан эски станциялардан тубдан фарқ қилади?**

— Уларнинг фарқи шундаки, янгиси – ихчам, ишлатиш учун жуда қулай. Рақамли станциялар фойдаланишга топширилганидан кейин, биринчидан, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тизимларга чиқиш ҳажми кескин даражада ошди. Айниқса, маҳаллий сўзлашувларни ҳисобга олиш тартиби жорий этилгач, корхонамиз иқтисодиёти янада яхшиланди. Жумладан, рақамли тизимга ўтилган даврда – 1998 йилнинг июль ойидан 1999 йилнинг мартигача маҳаллий сўзлашувлар сони 4294002 тадан 8789554 тага, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони 387930 тадан 607275 тага кўпайди. Пировардида 1998 йилда жами 545,8 миллион сўм даромад қўлга киритилиб, 11,5 миллион сўм соф фойда олинди. Бу даромаднинг 30 фоизи аҳолига кўрсатилган хизматдан тушган бўлса, унинг қолган қисми корхона ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Иккинчидан, янги қурилмалар шарофати туфайли корхона тасарруфидаги кўпгина катта-кичик бинолар бўшаб қолди. Ҳозирги кунда ходимларнинг иш шароитини янада яхшилаш мақсадида улардан унумли фойдаланилмоқда.

Қолаверса, янги станцияларда абонентларга қулайлик яратиш ниятида қарийб 20 турдаги сервис хизмати йўлга қўйилган. Бунинг афзаллиги нимада? Дейлик, абонент кечқурун телефондан фойдаланди. У неча минут сўзлашди, бунга қанча ҳақ тўланиши лозим? Рақамли станцияларда ана шу маълумотларни хоҳлаган пайтда олиш имконияти мавжуд. Айни шу ҳол улар билан корхона ўртасидаги ҳисоб-китобларда учраб турадиган айрим англашилмовчиликларни ечишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш мумкинки, телекоммуникация тармоғини қайта қуриш натижасида эришилган асосий ютуқлардан бири – бу қўл кучи билан бажариладиган ишларнинг бариси ягона бошқарув марказидан туриб компьютерлар ёрдамида амалга оширилаётганидир.

**— Ҳозир вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида мавжуд автомат телефон станцияларининг сиғими қанчани ташкил этади?**

— 128986 тани. Шунинг 82500 тасига абонентлар уланган, қолгани – 46486 таси бўш турибди. Бошқача айтганда, айни пайтда вилоят бўйича ҳар 100 оилага 20 тадан телефон тўғри келаяпти.

**— Бу кўрсаткични янада ошириш, яъни телефон станцияларида бўш турган 46486 та сиғимни тўлдириш юзасидан қандай амалий чоралар кўраяпсизлар?**

— 1999 йилнинг 1 январигача бизга 4377 киши телефон ўрнатишни сўраб мурожаат қилган эди. Бу аризаларнинг ҳаммаси обдон ўрганилиб, шу йил давомида уларни тўлиқ қондириш режаси ишлаб чиқилди. 9 Май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида эса иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари томонидан берилган барча аризалар ўз ижобатини топди.

Шу билан бирга, корхонамиз маркетинг хизмати мутахассислари вилоятдаги электр алоқа хизматига эҳтиёж сезаётган 311186 оиланинг талабларини ҳам ўрганиб чиқишди. Натижада қисқа фурсатда телефон ўрнатиш учун қўшимча 6000 ариза йиғилиб, уларни қаноатлантириш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тез орада ариза берувчилар сони бундан-да кўпайиши кутилаётир. Чунки ходимларимиз ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, уларга телефон хизмати турлари, уни ўрнатиш қоидалари, хусусан, иқтисодий ночор оилаларга кредит ҳисобига телефон қўйиб бериш тартибларини тушунтирмоқдалар.

**— Корхона жамоаси олдида турган вазифаларнинг ижроси, албатта, кадрларга боғлиқлиги сир эмас. Профессионал кадрлар масаласини ҳал этиш, уларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Бу борада ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, 1996-1998 йиллар мобайнида 17 нафар мутахассисимиз Жанубий Корея ва Японияда бўлиб, махсус дастур асосида билим ҳамда малакаларини ошириб қайтишди. 20 нафардан ортиқ киши эса Тошкентдаги малака ошириш курсларини битиришди.

Айни чоқда корхонамиз йўлланмаси билан Тошкент электротехника алоқа институтида 34, пойтахтдаги алоқа коллежида 15 нафар бухоролик йигит-қизлар таълим олмоқдалар. Бу ёшларнинг келажакда муносиб ўринбосарлар бўлиб етишиши учун, биз доимо уларнинг ўқиш ва яшаш шароитларидан хабардор бўлиб, тегишли моддий ёрдам кўрсатиб келаяпмиз.

Ҳозирги кунда жамоамизда жами 148 нафар олий ва 206 нафар ўрта махсус маълумотли муҳандис-техник ходим самарали фаолият юритмоқда. Айниқса, Асад Қурбонов, Аҳмад Баҳронов, Одил Бобомуродов, Ибод Исмоилов, Исоқ Исмоилов, Хайриддин Алимуҳаммедов каби юқори малакали мутахассислар – бизнинг фахримиз. Негаки, улар хорижнинг замонавий технологиялари сирларини мукаммал эгаллаб, янги техника воситаларини бенуқсон ишлатмоқдалар.

**— Ишлаб чиқариш жараёнини замонавий электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ)сиз тасаввур этиш қийин. Бу, айниқса, электр алоқа хизмати учун тўловларни амалга оширишда муҳим восита ҳисобланади. Ана шу масалага қандай эътибор қаратилмоқда?**

— Ҳақиқатан ҳам, ЭҲМларнинг тўловларга оид муаммоларни ҳал этишдаги роли беқиёс. Шу боис Бухоро шаҳрида 4 та, туманларда эса 11 та пул тўлаш шохобчаси ягона компьютер тизимига ўтказилган. Яъни, шаҳар ва туманларга барча турдаги шаҳарлараро ҳамда халқаро сўзлашувларнинг ҳисоб-китоблари модемлар ёрдамида, компьютерлар орқали юборилмоқда. Бундан ташқари, Бухоро шаҳар телефон тармоғида «08» ва «09» хизматлари учун ҳам алоҳида компьютер тизими ташкил этилган. Бу ҳол ишнинг тез ва сифатли бажарилишини, ҳисоб-китобларнинг аниқлигига эришиш, марказлашган тартибда назорат қилиш имконини бераётир.

**— Жамоа мутахассислари шу кеча-кундузда қайси юмушлар билан band?**

— Режага мувофиқ, жорий йилнинг биринчи ярмига қадар вилоят бўйича ягона компьютер тизими яратилиб, у «Маҳаллий Телеком» компьютер тизимига уланиши керак. Биз бу ниятни белгиланган муддатдан илгарироқ рўёбга чиқариш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этаяпмиз. Меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоати ана шу муддаонинг тўла ушалишидан далолат бермоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Икром ЎТБОСАРОВ**
**суҳбатлашди.**




Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНИ

Ҳар бир халқнинг ўзига муносиб шоир-ёзувчиси бор. Азалдан сўз санъатига иштиёқи баланд туркий халқларда эса, ким кўп — ёзувчи кўп, шоир ундан кўп! Лекин ҳар бир халқнинг шундай адиблари борки, уларни ўзи мансуб халқнинг пешонасига битган тонг юлдузи деса арзийди. Абдулла Қодирий — ўзбек халқининг, Мухтор Авезов — қозоқ халқининг, Чингиз Айтматов — қирғиз халқининг пешонасига Худо ёрлақаган шундай ёзувчиларки, бугунги кунда бу қутлуғ номларсиз ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқларини тасаввур этиш амримаҳолдир.

Ўзининг узоқ тарихига эга қадимий қорақалпоқ халқининг кенг пешонасига бугунги кунда тонг юлдузидек ярашиб турган ёзувчи Тўлепберген Қаипбергеновдир.

У ўзининг аллақачон китобхон кўнглига йўл топган асарларини «Қорақалпоқ қизи», «Қорақалпоқ достони», «Қорақалпоқнома» деб номлаган ва романларининг сарлавҳасидаёқ миллат номини уч бора такрорлайди. Миллат номини уч бора такрорлашдан мақсадингиз нима, деб сўраган кишиларга адиб «Қорақалпоқнома» роман — эссесида ривоят билан жавоб қайтаради:

«Ер юзида одамлар кўпайишиб, ҳар хил қабила ва уруғларга бўлиниб яшай бошлаганларида, Аллоҳ таоло уларни бир-бирларидан ажратиб идора этиш учун бир қатор номларнинг рўйхатини олиб, йўлга равона бўлибди. Қайси қабилага борса, рўйхатига бир кўз ташлаб оларкан-да, ном қўйиб кетавераркан. Ҳар бир қабилага ном қўйишда парвардигорга хос ўктам товуш билан уч марта: «Сенинг номинг Инглиз! Инглиз! Инглиз!» ёки «Сенинг номинг Ўзбек! Ўзбек! Ўзбек!» деб оламга эшиттириб, уч марта жар соларкан. Номини Аллоҳ таолонинг ўз оғзидан эшитганларнинг севинчи ичига сиғмай, чуғурчуқдай чуғурлашиб, ўйнаб-кулиб қолаверишаркан. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло рўйхатдаги ҳамма номларни тугатиб қайтаётган экан, Аму деган дарёнинг денгизга қуйилаверишидаги икки соҳилини макон тутган бир гуруҳ одамларга рўпара келиб: «Бош кийимларингга қараб айтсам, ҳозирча Қорақалпоқ бўла туринглар!» дебди-да, бошқалардай номларини уч марта такрорламай Арши аълога қайтиб кетибди.

Аллоҳ таоло бу халқнинг номини уч марта такрорламагани учун бўлса керак, тарихий манбаларда улар «Қорақалпоқ», «Қорапапоқ», «Қалпоқ», «Кўлоҳи сиёҳ», «Қора бўрклилар», «Печенелилар» («Печенеглар») каби турли номлар билан аталиб келган».

Ёзувчи мазкур ривоятни шундай якунлайди: «Романларим номланишида халқ номини учинчи бор қўллашдан мақсадим шуки, халқимга ўгай боладек қараган ўша фаромуш хаёл Худо ўрнида ўзим халқимнинг бир фарзанди сифатида бу оламга «Қорақалпоқ», «Қорақалпоқ», «Қорақалпоқ» дея уч марта бор овозим билан жар солишдир».

Тўлепберген Қаипбергенов қорақалпоқ халқининг кенг пешонасига «ғойиб берган», бунинг устига, Худо ўз қарзлари эвазига «тўлапберган» ёзувчидир. Унинг «Қорақалпоқ достони» трилогияси Шўро тузуми даврида яратилиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллиги шароитида қайта нашр этилаётган («Қорақалпоқнома» роман — эссесидан кейинги) иккинчи йирик эпик асаридир. Бу асар, дарҳақиқат, халқ ва ўз муаллифи номини жаҳонга танитган оламшумул асар бўлди, десак янглишмаймиз. «Достон»ни Мухтор Авезовнинг «Абай йўли» эпопеяси, Абдужамил Нурпеисовнинг «Қон ва тер», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиялари каби ҳам муаллифнинг ва ҳам минтақамиз адабиётининг бош асарлари сирасига киритиш мумкин.

Тарихдан яхши маълумки, кўпинча қорақалпоқлар қайси мамлакатнинг қўл остида, қайси халқлар билан қўшни бўлиб яшаш ихтиёрига ҳам эга бўлмаганлар. Бу халқ асримизнинг биринчи ярмида собиқ шўро давлати таркибида, аввало, 1924 йилда автоном вилоят сифатида Қозоғистонга, сўнг 1930 йилда Россияга, ниҳоят, 1936 йилга келиб, энг яқин жигарбанди, азалий ва абадий қон-қариндоши бўлмиш ўзбек халқига — Ўзбекистон Республикасига Автоном Республика сифатида қўшилгани кўпчиликка маълум.

«Қорақалпоқ достони»нинг уч китобида («Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар») тасвирланган даврларда (XVIII аср билан XIX асрнинг биринчи ярми) қорақалпоқларнинг узоқ ҳам яқин ўтмишини кўз олдимизга келтирсак, жамики туркий халқлар бошидан кечирган руҳий воқеалар яққол намоён бўлади. Барчамизга маълум ҳақиқат шундан иборатки, туркий халқларнинг тарихи ойнадек текис эмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалам ўзларининг ҳадиси шарифларида: «Туркийлар сизга тегмагунча, сиз ҳам уларга тегманг» (Усмон Турон, «Туркий халқлар мафкураси» китобидан), деган эканлар. Кўп ҳолларда туркийларга ҳеч ким тегмаса-да, уларнинг ички уруғлари ва қавмлари бир-биридан устунлик қилиш учун тинимсиз кураш олиб борганлар (баъзан оталарга қарши болалар, баъзан кўкалдошлар бир-бирига қарши тиғ кўтарганлар). Натижада туркий халқларнинг ягона миллат сифатида шаклланиши чўзилиб кетади. Бугунги кунда дунёда 300 млн. дан ортиқ нафар туркий миллат фарзандлари бор. Улар аслида битта халқ бўлсаларда, аммо йигирмадан ортиқ мустақил мамлакат бўлиб яшайдилар, ўзаро алоқалари ҳам ҳавас қиладиган даражада эмас (шу маънода, ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббуси билан бир қатор туркий давлатлар ўртасида «Абадий дўстлик» тўғрисида шартномалар имзолангани ҳамда «Туркистон — умумий уйимиз!» ғояси остида эзгу ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ ишлар эканини эътироф этмоқ лозим). Тарихдан ёрқин бир мисол келтирадиган бўлсак, XIV асрда эл-юрт қайғусида ёниб яшаган буюк саркарда Амир Темур тузиб кетган туркий салтанат тақдири оқибатда не бўлди? Бир асрдан сўнг тарқоқ хонликларга бўлиниб кетди. Худди шунингдек, муаллиф қорақалпоқ халқининг тақдирини бадиий воситаларда кўрсатиб беради. Мана, «Қорақалпоқ достони»да ўз миллатининг тарих саҳнасидаги ўрни учун улуғ саркарда Амир Темур тузуклари асосида иш юритган қорақалпоқ йўлбошчилари Маманбий, Ойдус бобо, Эрназар Олакўзларнинг фаолияти билан танишар эканмиз, уларнинг ҳар бири эл-юртининг бугунги ҳам келажакдаги мустақиллиги учун жонларини фидо қилишга тайёр турган қаҳрамонлар эканлигига амин бўламиз. Афсуски, биринчи навбатда, ички ихтилофлар, уруғлар ўртасидаги хунрезликка чек қўйиш учун ўз ихтиёри билан ўлимга ҳам рози бўлган Ўразан ботирнинг ва ўзининг теран билими, доно насиҳатлари, ҳаётбахш таълимотларини нисор этса-да, уруғлар ўртасидаги парокандаликни тўхтата олмаган, охир-оқибат, бундай нодонликларни қайта кўришни истамасдан кўзларини ўзи ўйиб олган Мурод шайхнинг умр йўллари авлодлар учун ибрат бўла олади. Булардан ташқари, трилогиядаги ҳар бир образ ўзига хос бетакрор, жонли акс эттирилган. Улар билан танишган ўқувчи бефарқ қолмайди: гоҳ қаҳрамонларга тарафдор бўлади, гоҳ ўкинади. Шунинг билан бирга, ҳар бир қаҳрамон ўз даврининг нафасини ифодалайди; ташқи ва ички хавф-хатарлар ёрқин бўёқларда тасвирланади.

«Қорақалпоқ достони»нинг яна бир ўзига хос томони шундаки, унинг уч китоби битта уйнинг уч эшигини эслатади. Қайси эшикдан кирсангиз ҳам, бир-бирини тўлдирадиган хоналарга ва уй эгаларига дуч келасиз. Қорақалпоқ халқининг уруғлари ўртасидаги ўзаро низолару қонли тўқнашувларга гувоҳ бўламиз. Жонли инсонларнинг тақдири яққол намоён бўлади. Ўқувчи эса ўзига тегишли хулосаларни чиқариб олади.

Уч китобда доно йўлбошчилар тарафидан кўтарилган асосий ғоя — қорақалпоқларнинг мустақил бир халқ бўлиб қарор топиши масаласидир. Бу ғоянинг рўёбга чиқиши осон эмас, мисли кўрилмаган хунрезлик рўй беради, бошбошдоқлик бошланади. Кўз ўнгимизда кечган воқеаларга теран назар ташласак, эзгу ишларга зиён етказадиган ташқи душманлар деярли йўқ ҳисоби. Миллатнинг ақлли бошлиқлари, алломалар, уламолар маслаҳатлашиб, ўзларига қандай бўлмасин ташқаридан кучли суянчиқ, серсоя гужумлар қидирадилар. Бунинг асосий сабабларидан бири — XVIII асрнинг бошларида жунғорлар Туркистонга бостириб кириб, шафқатсизлик билан қирғин уюштирдилар. Унда ҳисобсиз одамлар қурбон бўлди. Оқибатда кўп халқлар ота маконидан айрилди. Яъни, «Оқтобон кўчуви» деб аталган оммавий кўчманчилик натижасида дуч келган томонга бош олиб кетадилар... Қорақалпоқлар Дашти қипчоқдан ҳам паноҳ тополмайдилар. Мана шундай қалтис шароитда элпарвар Маманбий атрофига эслиҳушли инсонларни тўплаб Ўрисия подшосидан мадад сўраш учун отланади. Ўрисия подшоси Маманбий бошчилигидаги халқ вакилларини қабул қилади, илтимосларини бажо келтиришга ваъдалар беради, ҳатто қўлларига ёрлиқ тутқазиб қайтаради. Лекин шундан кейин ҳам қорақалпоқларнинг тақдирида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Аксинча, ҳар тарафлама тажовузкорлик авж олиб кетади. Ўша пайтлари ички инқирозни бошидан кечираётган Ўрисия подшоси ваъдага вафо қилмайди, қорақалпоқларга ёрдам бермайди. Яна — тағин Ўрисия подшоси ҳузурига бош эгиб боришни ўзи учун ор деб билган Маманбий халқини бошлаб, ота-боболарининг азалий макони бўлган Хоразм томонларга йўл олади. Халқ очлик, қаҳатчилик азоб-укубатларини бошидан кечирса-да, Амударёнинг Орол денгизига қуйилиш жойларида азалдан яшаётган элатдошларга қўшилади.

Достоннинг кейинги икки китоби қорақалпоқлар янги маконда қўним топгач, уларнинг умр йўлларини атрофлича тасвирлашга бағишланган.

Янги маконда Маманбийнинг ёш шогирди Ойдусбий (кейинчалик «Ойдус бобо» номини олади) раҳнамо бўлади. Ойдусбийнинг курашдан кўзлаган мақсади ҳам Хоразм диёрида қорақалпоқларнинг мустақил хонлигини барпо этишдан иборат эди. Бунда ҳам асосий ихтилофлар, тўқнашувлар уруғ бошлиқлари ўртасида кечади, ички низолар кучайиб кетади. Айни чоқда, яна Ўрисиядан ёрдам сўраш керакми ёки Хива хонлигининг мададига суянган ҳолда миллий хонликни барпо этиш керакми, деган масала устида кескин кураш бошланади. Бу масалада Ойдус бобо мададни Ўрисиядан эмас, тили бир, дини бир, сув ичадиган дарёси ҳамда ота-боболари бир бўлган Хива хонлигининг ёрдамидан умидвор бўлиб, хон саройига бот-бот қатнайди. Ўз ғоясини амалга ошириш учун саъй-ҳаракатлар қилади. Ўзига қарши уруғ бошлиқлари билан тўқнашади. Ҳатто ғанимларнинг қутқуси натижасида Хива хонлигига қарши турган Бегис, Миржиқ исмли туғишган укаларини ўз қўллари билан ўлдириш даражасига боради... Минг афсуски, уруғлар ўртасида кучайиб кетган ихтилофлар туфайли Ойдус бобо ниятига етолмайди. Оқибатда ўзи ҳам элининг, қолаверса, Хива хонлигининг сотқин бир фақир кимсаси сифатида ўлдирилади. Уни жиловдори ўлдиради.

Қорақалпоқлар тарихида икки Эрназар бор. Бири қўлдовли уруғидан, лақаби Эрназар олакўз. Иккинчиси кенагас уруғидан, лақаби Эрназар кенагас. Учинчи китобда («Гумроҳлар») Жанубий Орол диёрида мустақил қорақалпоқ хонлигини барпо этиш борасида кураш кетса-да, асосий воқеалар икки Эрназар ўртасидаги қарама-қаршиликларни атрофлича кўрсатишга бағишланган. Яъни, иккинчи китобдаги кураш давом этади. Хўш, Ўрисиядан ёрдам сўраш керакми ёки Хива хонлигидан ёрдам таъма этмоқ керакми? Оқибатда Эрназар олакўз тарафдорлари ташаббусни қўлга олиб, ўзлари қорақалпоқ хонлигини эълон қилиб юборадилар. Бунда кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлган нарса шундан иборатки, Эрназар олакўзнинг ўзи тахтга ўтирмай, Чингизхон замонасидан удум бўлиб қолган одатга кўра, унинг авлодидан хон сайлайди. Яъни, Чингиз уруғидан бино бўлган Зарлик исмли йигитни қорақалпоқ хонлигининг тахтига ўтқазиб қўяди. Шу сабабли, ҳатто Эрназар олакўзнинг тарафдорлари ҳам кучли норозилик билдирадилар. Шундай қилиб, яна-тағин «адолат ва адолатсизлик», «поклик ва нопоклик», «нур ва зулмат» ўртасида кураш бошланиб кетади. Охир-оқибат Эрназар олакўз ўз тарафдорлари томонидан ўлдирилади. Хонлик қудратига эга бўлмаган Зарлик эса масхара қилинади, кўчага қувилади, кейин ўлдирилади.

«Достон»даги воқеалар қайси даврларда рўй беришидан қатъи назар, ўқувчи диққатини ўзига тортиб, элпарварлик ва нодонлик манзараларини кўз ўнгимизда яққол гавдалантиради.

Хуллас калом, одамзод умрида учрайдиган қувонч ва қайғулар, юксак одамийлик ва тубанлик, фидокорлик ва сотқинлик каби хусусиятлар миллат тақдири билан чамбарчас боғланган ҳолда акс эттирилгани учун, муаллифга офарин айтсак арзийди. Бундан ташқари, китобда тасвирланган қаҳрамонлар тақдири ҳар бир инсон учун, миллат учун, айниқса, ҳозир халқларимиз давлат мустақиллиги шароитида ҳар биримизга улкан тарихий сабоқ бўла олади. Мана шундай сабоқлардан энг муҳими — биринчи навбатда, ташқи душманлар эмас, миллат ичидаги парокандалик, ҳар бир инсон ўзини ўзи билмаслиги туфайли ижтимоий инқироз рўй бериши тасвиридир. «Достон»да батафсил суврати чизилган халқнинг, йўлбошчиларнинг тақдирлари бизни мустақил Ўзбекистон давлатини, бу давлатнинг жами халқлари ҳамжамиятида эгаллаб турган ўзига хос ва ўзига муносиб ўрнини, халқимизнинг мустақиллик йўли ва бу йўлда бизни собит қадамлар билан бошлаб бораётган доно ва мард Йўлбошчимизни асрабавайлаш, муносиб қадрлашга даъват этади, булар етук халқ бўлишга даъват этувчи тарихимизнинг аччиқ тажрибаси сифатида алоҳида қимматга эгадир.

«Достон» мутолаасидан сўнг, беихтиёр ҳазрат Навоийнинг қуйидаги мисралари ёдга тушди:

*«Навосиз улуснинг*
*навобахши бўл,*
*Навоий ёмон бўлса,*
*сен яхши бўл.*

## Ўзбекистон қўшиқ байрами

# ИККИНЧИ ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бошқа соҳада бўлгани каби Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам бу тадбир кўтаринки руҳда ўтказиб келинмоқда. Вазирлик санъаткорлари қўшиқ байрами республика кўрик-танловида икки йилдан бери иккинчи ўринни олиб келаётгани ҳам шундан далолатдир. Байрамнинг икки босқичда ўтказилган бу йилги кўрик-танловида ҳам вазирлик идораларининг уч мингга яқин ходими қатнашиб, иккинчи истеъдодини кенг намойиш этди.

"Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир. Энг гўзал ва энг дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир." — деган эдилар давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқлар кўрик-танлови қатнашчиларига йўллаган табрикларида. Дарҳақиқат, Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танлови давомида янги-янги истеъдод эгалари кашф этилиб, Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари билан йўғрилган ўнлаб янги қўшиқлар юзага келди. "Она юрт бағридан тинчлик кетмасин", "Ғурур", "Сен — менинг Ватаним", "Ўзбекистоним" каби жозибали қўшиқлар шулар жумласидандир. Уларнинг энг саралари кўрик-танловнинг пойтахтда ўтказилган якунловчи босқичида ижро этилди.

Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртидан капитан Нуриддин Ҳайдаров куйлаган "Ватаним — Ўзбекистон", Наманган вилоят ИИБ ходимлари Шавкат Турғунов ва Гулнора Аҳмедова ижро этган "Ўзбекистон", Андижон вилоят ИИБ ходими Алишер Қосимов ижросидаги "Паноҳингга ол, Худо,ёлғизгина онамни", Қашқадарё вилоят ИИБ ходими Раҳима Сатторова куйлаган "Ўзбегим аёллари", Тошкент шаҳар ИИБдан Хайрулла Мирғиёсов ижро этган "Ўзбекистон — Ватаним менинг", Тошкент вилояти ИИБ ходими Муҳиддин Обилов ижросидаги "Ўзбекистоним" қўшиқлари кўрик-танловнинг иккинчи ва учинчи ўринларига лойиқ топилди. Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бошқармаси бўлинма прапоршчиги Ўткир Ҳамдамов ижро этган "Бепарво бўлма, халқим" қўшиғи (Бобомурод Азизбоев шеъри, Ҳабибулло Шамсиев мусиқаси) биринчи ўринга сазовор бўлиб, танловнинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. У энди республика кўрик-танловида ва мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган Ўзбекистон қўшиқ байрамида иштирок этади.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБИ — ТАЛАБА

Куни кеча Тошкентда пуфлама ва зарбли чолғу асбоблари ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўн бешинчи марта мунтазам ўтказилаётган ушбу кўрик-танловдан мақсад — ёшларни баркамол санъаткор қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, мусиқа соҳасидаги маҳоратларини синаб, баҳолаш эди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мусиқачилар тарбияловчи республика мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Ойбек Султонов ушбу кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллади. Кўрик-танлов шартига кўра, унинг ғолиби Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясига имтиҳонсиз қабул қилинади.

— Ҳар бир инсон меҳнати туфайлигина ҳаётда ўз ўрнини топади, — дейди мактаб-интернат раҳбари Машкура Каримова. — Ойбек устози В. Мелкомини раҳбарлигида тинимсиз машқ қилади. Меҳнат қилган одамга омад, албатта, кулиб боқишига гувоҳ бўлдик. Мактаб-интернатимизнинг бошқа кўплаб ўқувчилари ҳам ушбу кўрик-танловнинг совринли ўринларига сазовор бўлишди.

**М. ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Ҳар тонгда сут танаввул қилаётганда биз унинг ёғли ёки ёғсизлигига, қаймоқли ёки қаймоқсизлигига эътибор қиламиз. Аммо уни етиштирган, дўконларимизга етказиб бераётган заҳматкашларни ҳамиша ҳам эслайвермаймиз. Зеро, мўл-кўл сут олиш, унинг ёғлилик даражасини ошириш осон иш эмас. Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги чорвадорлари эса уззукун ана шулар ҳақида ўйлайди. Нафақат ўйлайди, балки чора-тадбирлар қўллайди. Хўжаликда чорва учун 90 гектар майдонга беда экилган. Ҳозиргача беда икки марта ўроқдан чиқарилди.*

**СУРАТЛАРДА: ўрим пайти; хўжалик сувчиси Эгам бобо Тўраев, бригада бошлиғи Босим Муродқосимов ва механизатор Эгамберди Фозилов.**

**Х. МИРЗАКАРИМОВ**
**олган суратлар.**



*«Халқ сўзи»га жавоб берадилар*

# АҲВОЛНИ ЎНГЛАШ УЧУН

Газетамизнинг шу йил 27 апрель сонида «Қарз кўп, дивиденд йўқ» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда Хоразм автомобиль заводи акциядорлик жамияти ишидаги камчиликлар танқид қилинганди.

Мазкур мақолага таҳририят вилоят ҳокимининг ўринбосари жаноб К. Раҳимов имзоси билан жавоб мактубини олди. Унда ёзилишича, мақолада кўрсатилган камчиликлар акциядорлик жамиятининг умумий йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Йиғилишда «Ўзавтотранс» корпорацияси бўлим мудири Т. Қувондиқов қатнашди.

Белгиланган тадбирларга кўра, заводда қўшимча ишчи ўринлари яратиш эвазига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, чет эл инвестициясини жалб қилиш, дизель двигателларини ўрнатиш, рангли металл парчаларини эритиш цехларини ишга тушириш режалаштирилди. Жамиятнинг айланма маблағларини кўпайтириш учун 9300 минг сўмдан ортиқ маблағни қарздорлардан ундириб олиш мақсадида вилоят хўжалик судига мурожаат қилинган.

Тайёр маҳсулот қолдиқларини камайтириш бўйича Москва шаҳридаги «ЗИЛ» автомобиль заводи билан музокаралар олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги автомобиль заводини ривожлантириш бўйича тегишли чораларни кўради.

# БИНО ТАЪМИРЛАНДИ

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Оқтош қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Ш. Шодмонов кучли шамол ва ёмғир оқибатида 9-ўрта мактаб биноси жиддий зарар кўрганлиги оқибатида ўқув машғулотларини ўтказишда қатор муаммолар туғилганлиги тўғрисида газетага хат йўллаган эди. Мазкур мактуб туман ҳокимлигига моҳиятан кўриб чиқиш ҳамда тегишли тадбирлар белгилаш учун юборилганди.

Фуқаронинг мазкур хати бўйича туман ҳокимининг ўринбосари жаноб Д. Қурбоновдан таҳририят жавоб олди. Унда айтиладики, хат туман ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилган. Ҳақиқатан туманда кучли шамол ва ёмғир оқибатида зарар кўрган иншоотлар қаторида Оқтош қишлоғидаги 9-сонли ўрта мактабнинг фойдаланишга топширилган биноси ҳам бор. Талафот кўрган бинони зудлик билан таъмирлаш мақсадида туман ҳокимининг фармойиши қабул қилинди.

Қурувчилар жалб қилиниб, ўн икки кун ичида ҳашар йўли билан ўқув биносида қуйидаги таъмирлаш ишлари бажарилди:

том усти тўлиқ янгидан шифер билан ёпилди, бино оқланиб, бўялди;

синган эшик, ромлар алмаштирилиб, ойна солинди. Электр ёриттичлари таъмирланди.

Эндиликда 6 та синфхонада 180 нафар ўғил-қиз ўқимоқда. Ўқитувчилар ўз ташаббуси билан яна иккита синфхонани таъмирламоқчилар. Мактаб биносининг тўлиқ таъмирдан чиқарилиши туман ҳокимлиги назоратида бўлади.


# 10 НАФАР ЎҚИТУВЧИ АМЕРИКАГА БОРАДИ

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати, АҚШ Ахборот агентлиги ҳамда Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛС) 1999 йил учун ўтказилган «Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилик мукофоти» дастури умуммиллий ғолибларини мамнуният билан эълон қилади.

Ўзбекистон бўйича 10 та ўрта мактабнинг инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқитувчилари ғолиб деб топилиб,улар шу ёзда Ўзбекистон ҳукуматининг вакиллари сифатида Америка Қўшма Штатларида ўқитувчилар малака ошириш семинарида иштирок этадилар.

***Биз бу ўқитувчиларни ютуқлари билан чин қалбдан қутлаймиз!***

| Ўқитувчининг исми | шаҳар | вилоят | мактаб |
|---|---|---|---|
| Толибжон Ибрагимов | Андижон | Андижон | 9-мактаб |
| Мусаллам Сатарова | Бухоро | Бухоро | 16-мактаб |
| Замира Йўлдошева | Фарғона | Фарғона | 28-мактаб |
| Шарифа Жўрабоева | Жиззах | Жиззах | «Умид» лицейи |
| Елена Рамакаева | Нукус | Қорақалпоғистон | 32-мактаб |
| Матлуба Маламинова | Жомашўй | Наманган | Шароф Рашидов номидаги лицей |
| Диляра Солдатова | Самарқанд | Самарқанд | Самарқанд вилоят тил маркази |
| Гулнора Ниёзова | Шарғун | Сурхондарё | 1-лицей |
| Людмила Цой | Тошкент | Тошкент | 217-мактаб |
| Юрий Сиренко | Урганч | Хоразм | Ўзбек-Турк лицейи. |

9/1823

